**Ушбу сонда:**
2 ИШЧИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ
3 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ: У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ
4 «ТЕМИР ОТ» ҲОВЛИҚМАЛИКНИ КЎТАРМАЙДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 феврал, чоршанба №21 (668)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини яратиш ва ривожлантириш, уларни республика ҳудудида мақбул жойлаштириш ҳамда замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси ўтган йил сентябрь ойида махсус қарор қабул қилган эди. Унда 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тасдиқланганди.

Вазирлар Маҳкамасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши, таъмирланишининг 1999-2000 йилларга мўлжалланган дастури бўйича ташкилий ишлар қандай бораётганига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирликлар, идора, концерн, банкларнинг раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қурилиш ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, тендер бошқармаларининг бошлиқлари, вилоят бош меъморлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши дирекцияси, қурилиш трестларининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов олиб борди.

Дастурга мувофиқ 2000 йил 1 сентябрга қадар мамлакатимизда 304 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини ишга тушириш режалаштирилган. Шундан 195 таси янгидан қурилади. Йиғилишда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш, таъмирлаш, лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ва пудрат ишларини молиявий таъминлаш каби масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Ғ.Барноев, Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Ҳ.Кароматов, А.Исаев, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова қатнашди.

/ЎзА/

## Янги китоб тақдимоти

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Баркамол авлод орзуси» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мазкур китобда Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги фикрлари жамланган.

Китобдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис 1Х сессиясида сўзлаган нутқи, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари ўрин олган. Асарнинг «Аждодлар орзуси», «Мустақиллик - орзулар рўёби», «Орзуга эришмоқ йўли», «Баркамол авлод ёхуд «Портлаш эффекти» нима?» деб номланган фаслларида йўлбошчимизнинг маърифат ва ёшлар тарбияси, янги таълим тизимининг мақсад ва вазифалари, босқич ва шакллари хусусидаги публицистик мулоҳазалари баён этилиб, уларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритиб берилган.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар мазкур китоб ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, баркамол авлодни вояга етказишда муҳим дастуриламал бўлиб қолишини таъкидладилар. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди, онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса озод ва обод жамиятни барпо этиш мумкин эмас.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди.

/ЎзА/

## НАВОИЙ РУҲИНИ ШОД АЙЛАБ

Мамлакатимизда буюк мутафаккир, шеъриятимиз султони Алишер Навоий таваллудининг 558 йиллиги кенг нишонланмоқда. Меҳнат жамоалари, мактаблар, ўқув юртлари, кутубхоналарда шонли санага бағишланган адабий кечалар, учрашувлар, навоийхонликлар бўлиб ўтмоқда.

Улуғ бобокалонимиз таваллуд топган кун - 9 февралда унинг муборак номи билан аталувчи Ўзбекистон миллий боғи эрталабданоқ ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ўқув юртларининг талабалари, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари билан гавжум бўлди. Бу ерда буюк шоир таваллуд кунига бағишланган анъанавий маросим бўлиб ўтди. Уни республика ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов очди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Ўзбекистон халқ шоири, Навоий мукофоти совриндори Барот Бойқобулов, таниқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов ва бошқалар Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарлари билан адабиётимизни, она тилимизни, маданиятимиз ва маънавиятимизни қуёш қадар юксакликка кўтарган сиймо эканлигини таъкидладилар.

Боғдаги Навоий ҳайкали пойига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси номидан гулчамбарлар қўйилди. Санъат усталари шоир ғазаллари асосида тайёрланган концерт дастурини намойиш этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов қатнашди.

* * *

Миллатимиз фаҳри, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 558 йиллиги Самарқандда муносиб нишонланмоқда. Адиб қадами теккан табаррук шаҳар аҳли буюк мутафаккирга юксак ҳурмат бажо келтирмоқда.

Эрта тонгданоқ шоирнинг муҳташам ҳайкали салобат тўкиб турган Университет хиёбонига вилоят, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, ҳокимликлар раҳбарлари, ижодкорлару санъаткорлар, талабалар тўпланишди.

Сўзга чиққанлар ҳазрат Навоий мумтоз адабиётимиз равнақига бебаҳо ҳисса қўшганлигини таъкидладилар. Бобокалонимизнинг ўлмас асарлари, киши руҳига олам-олам завқ бағишловчи ғазаллари, рубоийлари, туюқ ва мувашшаҳлари ёш авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий бобомизга бўлган чексиз эҳтиром вилоятда кун бўйи давом этди. Маданият муассасалари, ўқув даргоҳлари, корхона ва ташкилотларда навоийхонлик кечалари ўтказилди, унинг ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар янгради.

(ЎзА).

## Хабарларда жўшқин ҳаёт нафаси

### ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

«Сирдарётелеком» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмалари ташкилоти ишчи хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, зарарли иш жойида меҳнат қилаётган алоқачиларнинг ойлик маошларига 20 фоиз устама ҳақ тўланмоқда. Фарзандлари икки ёшдан ошган аёлларга қўшимча нафақа берилиб, корхона ходимлари эса уй телефонлари ҳақини тўлашдан озод қилиндилар.

### СИНОВ ОЛДИДАН

Болалар ва ўсмирлар Жиззах вилоят қўғирчоқ театри артистлари Ғ.Йўлдошев, Ж.Мамараҳимов, Н.Маҳмудов ва бошқаларнинг саҳнада чиқишларини интиқлик билан кутишади. Санъаткорлар бунга ўзларининг қатор қизиқарли спектаклллардаги чиқишлари билан сазовор бўлишган.

Театр жамоаси яқинда халқимизнинг «Тоҳир ва Зуҳра» эртаги асосида намойиш этган спектакли билан бу ҳурматни янада мустаҳкамлади. Жамоа учун бу галги чиқиш қўғирчоқ театрлари ижодкорларининг кўкламда бўлиб ўтадиган республика кўриги олдидан муҳим синов вазифасини ўтади.

### ИШТИЁҚ

Юқори Чирчиқ туманидаги Ийк Ота номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун кўкламги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ерлар куздаёқ шудгорлаб қўйилган эди. Техника воситалари сифатли таъмирланмоқда. Бу ишларда айниқса, моҳир механизаторлар Антон Ким, Б.Анарбоевлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Айни кунларда далага ўғит чиқариш, ерни экишга тайёрлаш ишлари қизғин бораётир. Хўжаликда, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, тўғон-тўсиқларни таъмирлаш ишларига катта аҳамият берилмоқда.

### МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари Бухоро вилояти барча меҳнат жамоалари, ўқув юртларида катта қизиқиш билан ўқиб ўрганилмоқда.

Бухоро давлат университетида ўтказилган анжуман ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Унда сўзга чиққан олимлар, талабалар, вилоят ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлими вакиллари юртбошимизнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида мамлакатимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўлига холисона баҳо берганлиги, келажак ҳаётимиз, фаровон турмушимизга шу кунларда тамал тоши қўйилаётганлиги илмий-сиёсий, назарий-амалий асослаб берилганлигини таъкидладилар. Унда баён этилган қоида ва хулосаларнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, умумтаълим мактабларида ўқиб ўрганишни ташкил этиш тавсия қилинди.

### ИҚТИДОРЛИЛАРГА ЭЪТИБОР

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошида ташкил этилган академик лицейда янги ўқув йилдан бошлаб иқтидорли ўқувчилар «Кичик академия»си фаолият кўрсатмоқда. Бундан мақсад - лицей ўқувчилари орасидан зеҳнли ва зукко, истеъдодли ёшларни махсус тест синовлари ёрдамида аниқлаш, уларнинг иқтидори бўйича пухта билим олиши учун шароит яратиш ва алоҳида машғулотлар ўтказишдан иборатдир. Бунинг самараси ўлароқ, институтнинг Абдувосит Ниёзов, Аброр Бердираҳмонов, Ойбек Ниёзов каби талабалари Тошкентдаги халқаро аэрокосмик мактаби машғулотларида қатнашдилар. Улуғбек Ашуров эса «Акселз» ташкилоти танловининг барча босқичларида муваффақиятли иштирок этди.

«Ишонч» ва ЎзА мухбирлари.



**Косонсой туманида иқтисодий ислоҳотларни давр талаблари асосида олиб бораётган жамоа хўжаликлари кўп. Улардан бири «ТЕРГАЧИ» дир. Ўтган йилни хўжалик деҳқонлари қувончли натижалар билан якунлашди.**

**Асл деҳқонлар 1999 йилда ҳам ютуқларни кўпайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Шу боис бу ерда қишки юмушлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.**

**Суратда: жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ҳамиджон Раҳимов (чапдан) механизатор Баҳриддин Мирзакаримов билан.**

## АКЦИЯ ҚИЙМАТИ ОШМОҚДА

«Тошкент» Республика фонд биржасида ўтган навбатдаги савдода Қашқадарёдаги «Мелиоқурилиш» акциядорлик жамиятига тегишли акциялар пакети савдоси қимматбаҳо қоғозлар бўйича амалга оширилган энг йирик олди-сотди операцияларидан бири сифатида қайд этилди. Мазкур акциядорлик жамиятининг қиймати 1000 сўм бўлган ҳар бир акцияси 1050 сўмдан сотилди. Сармоядорлар умумий қиймати 7 миллион 780 минг сўмликдан кўпроқ акцияларни сотиб олдилар.

*Тезкор шарҳ*

## ЭФИОПИЯ-ЭРИТРЕЯ: ЯНА ЖАНГЛАР БОШЛАНДИ

5 феврал куни Эритрея самолётлари Эфиопиянинг Адди-Грат шаҳрини бомбардимон қилди. Аддис-Абебадан тарқатилган хабарда бу ҳужумдан кўзланган мақсад нефт омборлари ва уларга яқин бошқа муҳим иншоотларни йўқ қилишдан иборат бўлгани таъкидланади. Бу воқеа Эритрея билан Эфиопия ўртасида 1998 йилнинг июн ойида АҚШ воситачилигида имзоланган ҳаводан ҳужум қилмаслик тўғрисидаги ҳужжатни барбод қилди.

Африканинг бу икки мамлакати ўртасидаги қарама-қаршилик ўтган йилнинг май ойида бошланган эди. Ўшанда Эритрея аскарлари Эфиопия ҳудудининг бир қисмини эгаллаб олган ва Асмэрадаги ҳукумат ишғол қилинган ер Эритреянинг ўз мулки эканини билдирганди. Асмэрадаги расмий доираларнинг даъвоси қадимги италян хариталарига асосланган бўлиб, бу хариталар босиб олинган ҳудуд гўёки илгари эритреяликларга тегишли бўлганидан гувоҳлик беради.

1998 йилнинг майида бошланган уруш халқаро ҳамжамиятнинг тинчликпарвар саъй-ҳаракатлари билан тўхтатилди. Таъкидланганидек, июн ойида икки давлат ўртасида ҳаводан ҳужум қилмаслик тўғрисидаги ҳужжат ва сулҳ битими имзоланди. Шу билан низо якун топгандек эди. Лекин шу кунларда содир бўлаётган воқеалар Эритреянинг тарихий нуқтаи назардан олиб қаралганда ўз мулки ҳисобланган ерларни босиб олиш ниятидан воз кечмаганини кўрсатиб турибди.

Умуман, низонинг янада чуқурроқ илдизлари ахтарилса 90-йиллар бошида кечган воқеаларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Ўша пайтлари Эфиопия ва Эритреянинг ҳозирги раҳбарлари М.Зенауи ҳамда И.Аеворк биргаликда «шўравийлар» тузумини ағдаришга бел боғлаган эди. Дарҳақиқат, уларнинг изчил ҳамкорлиги Менгисту Хайле Мариам раҳбарлигидаги тузумнинг ағдарилишига олиб келди. 1993 йилда эса ягона давлат бўлган Эфиопия иккига бўлинди. Референдум натижасида ҳеч қандай низоларсиз, ҳар икки томоннинг тўла розилиги билан Эфиопия ва Эритрея давлатлари юзага келди. Дастлаб улар ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай ғараз ёки англашилмовчилик йўқ эди.

Аммо 1997 йилда Эритрея ўз миллий валютасини муомалага киритгач, дўстлик ришталари дарз кета бошлади. Эритреянинг Асэб ва Массауа портларидан фойдаланиб келган Эфиопия энди улардан воз кечиб, Жибути портларидан фойдаланишга ўтди. Эритрея катта даромаддан маҳрум бўлди. Борабора аламзадалик кайфияти Эритреяни Эфиопия билан росмана низолашишга олиб келди.

Айни пайтда икки давлатнинг жанглар кетаётган чегарадош ҳудудларида бирор хорижлик журналист бўлмагани учун келаётган хабарлар ҳам бир-бирига зид. Эфиопия Эритреяни самолётлар ёрдамида ҳужум уюштирганликда айблади ва ўзининг жанг майдонида зафар қозонаётганини билдирди. Эритрея эса Эфиопия армияси вертолёт ва баъзи пайтда самолётлар билан ҳужумга ўтаётганини маълум қилди. Бу Ташқи ишлар вазирликларининг баёнотлари холос. Аслида эса ҳар икки томон ҳам қарийб бутун чегара бўйлаб жангга киргани шубҳасиз. Томонлар на БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг, на Кения раҳбари Даниэл Арап Моининг, на бошқаларнинг мурожаатига қулоқ осди. Африка Бирлиги Ташкилоти, АҚШ маъмурияти, Германия ташқи сиёсат маҳкамасининг тинчликка чақирувчи даъватлари ҳам жавобсиз қолмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги қуролли тўқнашув натижалари ҳозирданоқ кўзга ташлана бошлади. Ҳар икки томон ҳам катта талофат кўрмоқда, жанг майдонига яқин ҳудудларда аҳоли азият чекаётир. Кениядан олинган хабарларга қараганда, қуролли тўқнашувлардан хавфсираган «Эфиопиан эйрлайнз» компанияси ўз самолётларининг йўналишларини кескин ўзгартирган. Ҳозир Европадан Эфиопияга келаётган самолётлар Кения пойтахти Найробига қўнмоқда. Булар қуролли можаронинг дарҳол кўзга ташланган зарарли оқибатларидир. Кузатувчилар икки давлат ўртасида ҳозирча чегарадош ҳудудларда бўлаётган низо катта урушга айланиб кетиши мумкин, деган тахминий фикрда. Агар бунинг олди олинмаса, уруш фалокатлари кенг қулоч ёзиши ва нафақат икки мамлакатни, балки уларга қўшни бўлган давлатларни ҳам қамраб олиши эҳтимолдан холи эмас.

Саид ВАҚҚОС,
ЎзА шарҳловчиси.

*Маънавиятимиздаги кемтиклик*

## ПИСТА СОТАЁТГАН БОЛА

**Жамиятимизнинг ҳамма жабҳаларида бўлгани каби қонунчиликда ҳам янгиланишлар, ўзгаришлар юз бера бошлади.**

**Ҳамма қонунлар, қарорлар ижроси билан кучли. Турли миллатга мансуб бўлган 116 минг аҳоли истиқомат қиладиган Олмалиқ шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари ҳам ана шундай шиор остида фаолият юритиб, Қонунлар устуворлигига эришишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. 1998 йилда шаҳар бозорларида 260 марта текширишлар ўтказилиб, 166 та қонунбузарлик аниқланди.**

Бозорларда фаолият юритаётган жисмоний шахслар, хусусий дўкон эгалари, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган кишиларнинг баъзилари кўра-била туриб солиқдан қочиш, кўпроқ фойда олиш мақсадида сифатсиз маҳсулотларни сотиш билан одамлар соғлиғига зарар етказаётганликларини ўйламайдилар. Яқинда ўтказилган текширишларда Олмалиқ шаҳрида яшовчи Ҳафиз Алиев 14 номдаги акциз маркаси билан белгиланмаган сигаретларни сотаётганлиги аниқланди. 50 минг сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилиниб, Алиевга нисбатан жарима белгиланди. Шаҳарнинг «Фестивал» кўчасида яшовчи Дмитрий Трифонов ҳам тўрт номдаги 2260 сўмлик сигаретани сотаётганида солиқ инспекцияси ходимлари томонидан далолатнома тузилди. Натижада унинг ҳам моллари мусодара қилинди ва ўзига жарима солинди.

Қонунбузарликнинг катта-кичиги бўлмайди. Кимгадир «ҳавас» қилган Абдушукур Норматов ҳам «Астра» сигареталарини сотиб турганида тўхтатилди. Бор-йўғи 840 сўмлик сигарета сотмоқчи бўлган бу фуқаро ҳам сигаретлардан маҳрум бўлди, ҳамда жарима тўлади.

«Олмалиқсавдо»га қарашли 8-дўконга кириб борган инспекторлар акциз маркаси бўлмаган «Ўзбекистон» ароғи сотилаётганини пайқаб қолдилар. Ҳар бири 210 сўмдан пулланаётган 19 дона оғу мусодара қилинди ва махсус комиссия қарори билан йўқ қилинди. Сотувчи Хидирова суд қарори билан катта жарима тўлади.

Кўплаб кишиларнинг меҳнатлари билан, катта маблағлар сарфлаш ҳисобига кундан-кун чирой очиб, яшариб бораётган шаҳарларимиз, хиёбонларда, шаҳар кўркига кўрк бўлиб юрган кишиларни кўриш қандай мароқли. Разм солиб турсангиз, ана шу маданиятли кишилар орасида писта чақиб, сигарета қолдиғини дуч келган жойга улоқтириб, хиёбонлар, бекатлар, дўконлар саҳнини, ҳатто транспорт воситаларини ифлос қилаётганлар ҳам борлигига нима дейсиз. Афсуски, писта сотувчилар ҳам бозорлардаги белгиланган жойларда савдо қилмасдан, бекат ва йўлакларда, одам гавжум жойларда туришади. Кўпчилик ҳолларда ёш мактаб ўқувчилари писта, қурт сотаётганининг гувоҳи бўлиш киши кўнглини ранжитади. Эндигина дунёни таниб келаётган болалар совуқда дийдираб бир дона қуртдан қанча фойда олишни мўлжаллаб турадилар. «Тадбиркор» ота-оналар болаларининг келажакда етук кишилар бўлишини орзу қилиш ўрнига бир килограмм пистани икки баробар нархга сотишганига хурсанд бўлиб юраверадилар.

Ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, Олмалиқ шаҳар ҳокими 1998 йил 25 майдаги қарори билан шаҳар солиқ тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклади. Улар кунда икки, уч марта рейдлар уюштириб, белгиланмаган жойларда писта сотаётлар ўртасида тушунтириш, огоҳлантириш ишларини олиб бормоқдалар. Бундай тадбирлар яхши самара бермоқда.

Йўлдош ТОШҚОДИРОВ,
Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг ҳуқуқшуноси.

*Таълим ислоҳоти ва касаба уюшмалари*

# ОМАДЛИ ЁШЛАР

**«Таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан умумтаълим мактабларида ўқиётган ўқувчилар 9-синфни тамомлагач билими, иқтидорига қараб ўзлари танлаган академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттирадилар. Албатта, янги ўқув даргоҳларини ташкил этиш маълум бир вақт, муддатни талаб қилади.**

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзуидаги маърузасида ислоҳотнинг босқичлари ҳақида шундай деган эди:

«Биринчи босқич - ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий - меъёрий, илмий - методик, молиявий - моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши; янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш; ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув дастурлари устида ишлаш; умумтаълим мактабларини тузилиш жиҳатидан қайта қуриш; уч йиллик таълим - ўрта махсус ва касб ҳунар билим юртлари (касб коллежи ва академик лицей) тизимига замин тайёрлаш; узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш; ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи».

Кўриниб турибдики, мазкур босқич жуда катта ишларни амалга оширишни талаб этадиган ғоят масъулиятли даврдир. Шу боис ҳам Республика Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил февралда «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида», сентябрда эса «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорларни қабул қилди.

Кейинги қарорда таълим муассасаларининг янги турларига қўйилаётган талабларга мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини барпо этиш учун фаолият кўрсатиб турган ўрта махсус ва ҳунар-техника таълими муассасаларининг моддий-техника базасидан, шунингдек, бошқа бинолар, иморатлар ва қурилиши тугалланмаган объектлардан юқори даражада фойдаланиш;

ишлаб чиқариш амалиёти базалари ва ўқитувчиларнинг яшаш жойларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларини оқилона ихтисослаштириш ва жойлаштириш, зарур ҳолларда яшаш жойи узоқ бўлган ўқувчилар учун ётоқхонада яшаш шароитларини яратиш;

академик лицейларни, қоидага кўра, олий таълим муассасалари ҳузурида, шунингдек, юқори малакали педагог кадрлар мактабига эга бўлган шаҳарларда ва туманлар марказларида ташкил этиш лозимлиги уқтирилган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда касаба уюшмаларининг ўрни ва мавқеи қандай бўлиши керак?». Маълумки, касаба уюшмалари ҳар бир ўқув юртида, илмий тадқиқот муассасаларида ва бошқа меҳнат жамоаларида ташкил этилиб, уларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи, профессорлар, илмий ходимлар, ишчи-хизматчилар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг маънавий, маданий юксалишлари, дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлаш, зарур вақтда турли моддий ҳимоя чораларини кўриш ва бошқа ёрдамларни уюштириш билан шуғулланади.

Шундай экан, ҳозирги даврда яна бир муҳим масала - янги ташкил этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида касаба уюшмаларини тузиш каби муҳим вазифалар ҳам кун тартибига қўйилиши керак.

Яқинда Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида жойлашган Гулистон Давлат университетининг академик лицейида бўлиб, бу ердаги таълим-тарбия ишлари билан танишишга тўғри келди. Унинг аҳамиятли томони шундаки, бу билим масканининг академик лицей бўлиши учун жонкуярлик билан астойдил ҳаракат қилингани сезилиб турибди.

Унинг моддий - техник базасини ривожлантириш, ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш, миллий мафкура ва маънавиятни замон талаблари даражасига кўтаришда педагогика фанлари доктори, профессор Рисбой Жўраевнинг ҳиссаси каттадир. Қисқа вақт ичида лицей-интернат қайтадан тўла таъмирланди, барча хоналар жиҳозланди, янги лабораторияларга асос солинди. Айни пайтда бу ерда она тили ва адабиёти, химия, биология, чет тили, иқтисод, тарих, физика - математика фанлари бўйича иқтидорли ўғил ва қизлар билим олмоқдалар.

Шунингдек, ўқувчиларнинг бичиш-тикиш, дурадгорлик, пазандалик, тунукасозлик каби ҳунарларни ўрганишлари учун шароитлар яратилган. Бу хайрли ишларда касаба уюшмаси фаолларининг муносиб ҳиссаси бор. Ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу ерда соғломлаштириш бўйича профилакторий шаклида махсус хоналар ташкил этилган. Айни пайтда физиотерапия, жисмоний тарбия, тиш даволаш, ички касалликлар бўйича текширувлар ўтказиш, фитобар хоналари ишлаб турибди. Булардан ташқари тез тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган хоналар мавжуд.

Шуни таъкидлаш лозимки, лицейнинг университет қошида ташкил этилганлиги ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишларини таъминлашда омил бўлаётир. Ўқитувчилар орасида 15 нафар фан номзоди бор. Педагоглардан М.Исроилов, У.Тошбеков, Р.Исроилова, С.Ҳакимов, И.Исоқов сингарилар бой тажриба ва билимларини ёшларга бахшида этишяпти. Бунинг натижаси ўлароқ лицейни битирган ўқувчилардан қарийб 90 фоизи олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлаётир. Мазкур билим юртида таълим-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилганлигини ҳар йили лицейга киришни истовчилар сони кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Айни пайтда таҳсил олаётганлар 500 нафарни ташкил этади.

Улар билимларини янада чуқурлаштиришлари учун лабораториялар, лингофон, ички телевидение, маънавият, фан хоналари, кутубхона, клуб ишлаб турибди. Лицей телевидениеси орқали танаффус вақтларида ўқувчиларга мунтазам фан оламидаги, мамлакатимиз ва жаҳонда бўлаётган янгиликлар ҳақида ахборотлар бериб борилади, аълочи ўқувчиларнинг чиқишлари, профессор, ўқитувчиларнинг дарслари ташкил этилади.

Ўқувчилар маънавиятини бойитишда, билимларини оширишда кутубхона хизмати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кутубхона 1999 йил учун 47 номдаги газета ва журналларга обуна бўлган. Бу ерда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, маънавият ва миллий мафкурага оид адабиётлар, буюк алломаларимиз асарларидан юксак дид билан кўргазмалар ташкил этиляпти.

Яна бир янгилик. «Истеъдод» номли кўп тиражли ойлик газета чоп этилмоқда. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар ўзларининг турли мавзудаги мақола, хабарлари билан фаол қатнашиб турадилар. Хуллас, юқоридагилар халқ таълими тизимидаги дастлабки натижалардан биридир.

**Тошпўлат ТОШЛОНОВ,**
**фалсафа фанлари доктори,**
**профессор.**

## «СЕН ДОИМ ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!»

**Юртбошимизнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш тўғрисидаги таклифлари халқ ўртасида кенг қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, қаерда ўтмиш авлод ҳурмат билан эсланса ва кексаларга иззат-икром кўрсатилса, ўша жойда соғлом, баркамол авлод вояга етади.**



## ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

**Элбек САНГИРОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси,**
**Мирзаобод тумани.**

Умрни оқар сувга қиёслашади. Ҳар гал қариялар бир жойга тўпланганимизда орамиз сийраклашиб бораётганини ҳис қиламиз. Туманимизда урушдан омон қайтганлар сони яқингинада икки юз кишидан ортиқ эди. Кўз очиб юмгунча 60 киши қолибмиз. Шукрки, биз кекса авлодга ҳам мамлакатимиз истиқлолини кўриш насиб этди. Ўзгаришлардан бошимиз осмонда. Бунёдкорлик ишларига таъриф йўқ... Хусусан пойтахтимизнинг бош майдонида қад ростлаётган мотамсаро она ҳайкали тимсолида гўё ўз онамни кўргандек бўляпман. Ёдимда: оловли уруш сари отланганимда муштипар онам ва келин бўлиб тушганига бир ой ҳам бўлмаган қаллиғим кўз ёш билан кузатиб қолишганди. Урушнинг то охиригача жангу жадал кездим. Туз насиб экан, омон қайтдим. Ҳокипойи ўзга юртларда қолиб кетган тенгқурларимиз учун ҳам яшашга, ишлашга тўғри келди. Айниқса, Мирзачўлни ўзлаштиришда, унинг боғ-роғга бурканишида улушим борлигидан фахрланаман. Ҳозир эса озод ва обод Ватан қўйнида қарилик гаштини сураяпман.

Табиб - табиб эмас, бошидан кечирган табиб, дейишади. Дарҳақиқат, бугунги осойишта турмушимизни, бахтли-саодатли кунларни, тўкинчилик қадрини уруш заҳматларини чеккан, очлигу юпунликни, жабру зулмни кўрган биз кексалар ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этамиз. Қанчалаб норғул тенгдошларимиз бу кунларни кўролмасдан кетди. Улар хотираси олдида бурчлимиз. Аллоҳ таоло юртимизга доимо тинчлик-фаровонликни ато этаверсин.

## БУ КУНЛАР ҚАДРИГА ЕТИНГ

**Абдуҳаким МАВЛОНОВ,**
**уруш иштирокчиси, Тошкент вилояти.**

Ватанни севмоқлик иймондандир. Шу азиз Ватан учун жонни фидо қилмоқлик эса юрт фарзандлари учун муқаддас.

Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлган, миллат ғурури йўлида жон фидо этган юртдошларимиз ҳурматини жойига қўймоқлик мақсадида барпо этилаётган ёдгорлик мажмуи юртимизда инсон қадр-қиммати юксаклигини кўрсатиб турибди.

Юртимизда номсиз, ном-нишонсиз аскар йўқ. У кимнингдир маҳалладоши, кимнингдир юртдоши.

Мен фашизмга қарши жангда қўлимдан қаттиқ ярадор бўлиб қайтдим. Шунга қарамасдан урушдан сўнг қишлоқ хўжалигини тиклаш ишларида қатнашдим. Ҳозирда пенсиядаман. Мамлакатимиз Президенти, ҳукумати бизларни ижтимоий ҳимоялаш борасида катта меҳрибонлик кўрсатмоқда. Нафақаларни ўз вақтида олиб турибмиз. Фарзандларим, набираларим уйли-жойли бўлишиб, мустақил юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда.

Шундай улуғ кунларга етиб келиб, қадр-қимматга эришишнинг ўзи буюк неъмат. Шунинг учун ҳам мен қаерда, ким билан гаплашмай, айниқса ёшларимизга бу кунлар қадрига етинг, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда фидойи бўлинг, меҳнатингизни аяманг, дейман.

### БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Бу йил Жиззахда Наврўз байрамининг асосий тантаналари вилоят марказидаги иккита катта боғда - мустақиллигимизнинг олти йиллиги байрамига ишга туширилган «Истиқлол» ёшлар боғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг етти йиллиги кунида фойдаланишга топширилган «Болалар» истироҳат боғида ўтказилади. Айни вақтда шаҳарнинг майдон ва хиёбонларида, маҳалла гузарларида ҳам шодиёналар бўлиб ўтади.

Вилоят ҳокимлигида Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси йиғилишида ана шу ҳақда гапирилди. Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев олиб борган бу йиғилишда байрам муносабати билан барча ҳудудларда кенг кўламда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, боғу роғлар, гулзорлар барпо этиш вазифалари белгиланди. Жойларда Наврўзга атаб савдо расталари, ярмаркалар ташкил этилади, етук санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз санъатини намойиш этади.

### ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Навоий вилояти ҳудудидаги Айдаркўл, Тўдакўл ва Шўркўл каби табиий сув ҳавзаларида ҳар йили кўплаб балиқ овланмоқда. Вилоят очиқ турдаги «Балиқчилик» акционерлик жамияти ходимлари жорий йилда 655 тонна балиқ маҳсулоти етиштиришга аҳд қилишди. Январь ойидаёқ 21 тонна балиқ сотилди.

Ўтган йили жамият эл дастурхонига 54 миллион сўмлик маҳсулот тортиқ этиб, 5,5 миллион сўм соф фойда олди, - дейди жамият бошқаруви бошлиғи Қ.Раҳмонов. - Жорий йилда бу кўрсаткич янада ортади. Овланган балиқ Навоий шаҳридаги тўртта дўконда сотилаётир, ташкилот ва муассасаларга шартнома асосида етказиб берилаётир.

### АСОСИЙ МАҲСУЛОТ - ХОРИЖГА

«Ўзавтосаноат» уюшмасининг Самарқанддаги «Алпомиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти янгича ишлашга ўтиб, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот - гильза ва поршенларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Трактор ва автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш чора-тадбирлари кўриляпти.

Корхона маҳсулотига эндиликда нафақат республикамиз вилоятларидан, балки Қозоғистон, Россия ва бошқа мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушаётганлиги бежиз эмас. Кейинги вақтда тракторлардан ташқари «КамАЗ», «Газ-24», «Москвич», «ЗИЛ-130» каби автомобилларга эҳтиёт қисмлар, шунингдек, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Муҳими шундаки, жами маҳсулотнинг 60 фоизи хорижга чиқарилмоқда.

*Мустақил Ўзбекистонда қонун устувор*

# ИШЧИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

**Суд ҳукми ўқилгач, унинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Бошидан нималар ўтгани фақат ўзигагина аён. Касаба уюшмасининг ёрдами бўлмаганида, мушкули осон бўлиши қийин эди. Ишчи ҳуқуқини ҳимоя қилиб, касаба уюшма ходимлари югуриб-елдилар, корхонанинг ўзида ҳал бўлмагач, судга мурожаат этдилар, В.Ишченко касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг устувор ҳимоячиси эканини шунда жуда яхши ҳис этди. Унинг аризасига биноан Темир йўл ва транспорт қурувчилари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқ нозири Б.Колясников у ишлаётган корхона мутасаддиларига мурожаат этди, бўлмади. Мазкур Марказий қўмита раиси А.Абдураҳмонов «Ўзтемирйўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорига хат ёзди, яна фойдаси бўлмади. Лекин ҳеч ким тушкунликка тушмади...**

Келинг, воқеани бир бошдан сўзлай қолайлик. Валентин Ишченко кўп йил «Ўзтемирйўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида изолировкачи бўлиб ишлади. 1994 йил июлда унинг касб касаллигига чалинганлиги аниқланди. Ҳужжатда меҳнат қобилиятини 25 фоизга йўқотганлиги зикр этилганди. Бир йилдан сўнг комиссия томонидан қайта кўрикдан ўтказилиб, муддати яна олти ойга чўзилди. Ишчининг соғлигига ишлаб чиқаришда путур етканлиги ҳисобга олиниб, ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда товон пули тўлаб борилди.

Кейинроқ иш ҳажми кам бўлганлиги сабабли В. Ишченко маълум муддат бошқа жараёнга ўтказилди.

1996-1997 йилларда у аввалги касби бўйича юқори иш ҳақи олган ҳолда ишлай бошлади. Кейинги вақтларда соғлиги яна ёмонлаша бошлади. 1996 йилнинг мартида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик меҳнат экспертиза комиссияси касб касаллиги туфайли III гуруҳ ногиронлигини белгилади. Унда иш қобилиятининг 45 фоизи йўқотилганлиги таъкидланди.

Ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти эса товон пулини камайтириш пайида бўлди. 1994 йилдаги, яъни дастлаб касб касаллиги аниқланган пайтдаги маоши индексацияси ҳисобланди, холос. Аслида қонун-қоида бўйича 1998 йил III гуруҳ ногиронлиги белгиланган кунгача 12 ой аввалги давр ҳисобланиши даркор эди. Мутасаддилар жабрланувчи вақтинча меҳнатга қобилиятсизликни аниқлаш комиссиясига ўз вақтида бормаган деган баҳонани рўкач қилдилар.

Табиб - табиб эмас, бошидан ўтган табиб, дейдилар. Унинг маъносини бу қийинчиликларни бошидан ўтказган одам билади. Илгаригидек меҳнат қила олмаса, дори-дармонларни сотиб олишнинг ўзи бўладими?

Хуллас, маъмуриятнинг адолатсизлиги ишчига жуда оғир ботди. У корхона меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этди. Афсуслар бўлсинки, комиссия ҳам масалани бир томонлама ҳал этди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, касаба уюшма Марказий қўмитаси «Ўзтемирйўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти билан музокаралар олиб борди, натижа бўлмади. Шунда касаба уюшмаси, хусусан, меҳнат ҳуқуқи бош нозири В.Колесников ишчи манфаатини ҳимоя этиб судга мурожаат этди. Мутахассис чуқур билимга эга эканлигини, касаба уюшмаси меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида тиниб-тинчимаслигини амалда исботлади. Судда ишчи ҳимоячиси вазифасини шараф билан бажарди. Адолат қарор топди. Суд ишни В.Ишченко фойдасига ҳал қилди. Ўтган давр учун бир йўла бериладиган нафақа индексациялашган ҳолда 192 минг 315 сўмни ташкил этди. Суд ҳукмига кўра «Ўзтемирйўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси аввалгиларга қўшимча равишда ишчига шунча миқдорда бир йўла нафақа тўлайди.

**Б. ПЎЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# OLAMDA NIMA GAP



*Лондон кўчаларида...*

**М А Н И Л А. Филиппин президенти Жозеф Эстрада мамлакатдаги «Морони озод қилиш ислом фронти» гуруҳи айирмачилари билан музокаралар ўтказишга тайёр эканини маълум қилди. У феврал ойининг охирларида айирмачилар етакчиси Ҳошим Саломат билан кўп йиллик қарама-қаршиликка чек қўйиш мақсадида шахсан учрашишини билдирди.**

**Кузатувчиларнинг фикрича, Ж.Эстрада ва Ҳ.Саломатнинг бўлажак учрашуви Филиппин жанубидаги можарони тинч йўл билан ҳал қилишда муҳим қадам бўлади.**

* * *

Т О К И О. 1995 йилда Токио метросида йўловчиларни газ билан заҳарлаган «Аум Синрикио» мазҳаби ўзининг тижорий фаолиятини авж олдирмоқда. Маълумотларга қараганда, ўтган йили ушбу ташкилот компьютерлар билан савдо қилишдан 6 миллиард иен /53 миллион АҚШ долларидан ортиқ/ даромад кўрган. Айни пайтда мазкур мазҳабга қарашли учта дўконда комьютер техникаси арзонлаштирилган нархда сотилмоқда.

Токио метросида амалга оширилган кўпорувчилик ҳаракатидан сўнг «Аум Синрикио»нинг асосчиси ва йўлбошчиси Сиоко Асахара қамоққа олинган бўлса-да, ушбу диний ташкилотнинг фаолияти расман тақиқланмаган.

* * *

**Н А Й Р О Б И. Кения президенти Даниэл Арап Мои Эритрея ва Эфиопия ҳукумати раҳбарларини ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатишга ва можарони музокаралар йўли билан ҳал қилишга чақирди. Д.А.Моининг Эритрея президенти Исайяс Аеверк ва Эфиопия Бош вазири Мелес Зинауига йўллаган мактубида икки давлат ўртасидаги ҳарбий можаро тинч аҳолининг қурбон бўлиши ва иқтисодиётга катта зарар етишига олиб келиши таъкидланади.**

**Ўтган шанба куни Эфиопия ва Эритрея қуролли кучлари ўртасида қақшатқич жанглар бошланиб кетди. Хабарларга қараганда, ҳар икки томон ҳам жиддий ҳарбий талофат кўрмоқда.**

* * *

П Е К И Н. Сянган полицияси ушбу махсус маъмурий туман ҳудудида 500 ва 1000 долларлик /Сянган доллари/ қалбаки пуллар кўпайиб бораётганини маълум қилди. Шунинг учун полиция ходимлари айни пайтда қатор мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Интерпол билан ҳамкорликда қалбаки пул пайдо бўлишининг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар кўрмоқда.

Сянган полицияси вакили Кеннет Риднинг сўзларига қараганда, ўтган йили Сянган долларини қалбакилаштиришда айбланиб 60 киши ҳибсга олинган. Улар орасида хорижий мамлакатлар фуқаролари ҳам бор, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

**Г А В А Н А. Кубанинг Матансас вилоятида овқатдан заҳарланиш оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди, яна 49 киши оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.**

**Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотида айтилишича, заҳарланиш чанқаш, оёқ мадорсизланиши ва нафас олиш маромининг бузилиши кўринишида юз берган. Тиббиёт ходимлари юзга яқин фуқарога кўмак беришга улгурган, холос.**

**Мутахассислар заҳарланиш хусусий дўкондан сотиб олинган, таркибида тез таъсир қилувчи кимёвий оғу бўлган егулик истеъмол қилингани туфайли содир бўлган, деб тахмин қилишмоқда.**

* * *

М Е Х И К О. Гватемаладаги Пакая вулқонининг жуда фаоллашиб кетгани мазкур Марказий Америка давлати ҳукуматини ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан мамлакат фуқаро мудофааси бўлинмалари зарур бўлган пайтда яқин атрофда яшовчи аҳолини бошқа жойларга кўчириш учун шай ҳолга келтирилган. Маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга Пакая вулқонини яқиндан бориб кўриш тақиқлаб қўйилган.

Маълумотда айтилишича, баландлиги қарийб икки минг метр бўлган Пакая вулқони Гватемала ҳудудидаги энг фаол вулқонлардан ҳисобланади. Сўнгги вақтларда вулқоннинг бир неча марта кескин қўзғалгани натижасида бир неча қишлоқ аҳолиси кўчирилди. Ўтган йилнинг май ойида эса мамлакат пойтахти осмонини вулқон кукуни қоплаши натижасида халқаро аэропорт фаолияти вақтинча тўхтатилган эди.

